

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТОШЕВА ИРОДА ИСРОИЛОВНА

**ҚОҒОНОҚ СУВИ КЕТГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА ХОРИОАМНИОНИТ
РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИНГ КЛИНИК ИММУНОЛОГИК
ОМИЛЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология
14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Тошева Ирода Исроиловна

Қоғоноқ суви кетган ҳомиладорларда хориоамнионит ривожланиш
хавфининг клиник-иммунологик омиллари..... 3

Тошева Ирода Исроиловна

Клинико-иммунологические факторы риска развития хориамнионита у
беременных с излитием околоплодных вод..... 25

Tosheva Iroda Isroilovna

Clinical and immunological risk factors for the development of chorioamnionitis in
pregnant women with premature rupture of membrane..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТОШЕВА ИРОДА ИСРОИЛОВНА

**ҚОҒОНОҚ СУВИ КЕТГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА ХОРИОАМНИОНИТ
РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИНГ КЛИНИК ИММУНОЛОГИК
ОМИЛЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология
14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib.1474 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: **Магзумова Наргиза Маҳкамовна**
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор
Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна
биология фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар: **Исенова Сауле Шайкеновна**
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор (Қозоғистон)
Наврўзова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор


Етакчи ташкилот: **Самарканд давлат тиббиёт институти**


Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021-йил 30 «декабрь» кунини соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шох кучаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50) e-mail: buhmi@mail.ru


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 066 рақам билан рўйхатга олинган (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шох кучаси 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50), Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021-йил «17» декабрь кунини тарқатилди.
(2021-йил «17» декабрь даги _____ рақамли реестр баённомаси)




Д.Т.Ходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)


С.С.Пулатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент


Г.А.Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, профессор, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича сўнгги йилларда септик ва инфекцион асоратларнинг кўпайиб бориши акушерлик соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб борилиши талаб этилаётган долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра қоғоноқ сувининг туғруқдан олдин кетиш асорати учраш даражаси 2,7–19%ни ташкил этмоқда.¹ Бундай ҳолларда туғруқ даврида ва туғруқдан кейинги даврда онада йирингли-септик асоратларнинг ривожланиши, туғруқ дардлари аномалиялари ва ҳомиланинг бачадон ичи инфицирланиши каби асоратлар ривожланиши мумкин. Бундан ташқари баъзи ҳолларда туғруқ индукциясининг самарасиз бўлиши жарроҳлик аралашувлар частотасининг ортишига олиб келади. Кўпинча амнион парданинг туғруқдан олдин ёрилиши ҳомиладорлик ҳамда туғруқнинг нормал кечишига салбий таъсир кўрсатади ва туғруқнинг биринчи даври латент ва фаол фазасининг чўзилиши, ҳомила гипоксиясининг ривожланиши, она ва ҳомилада инфекция ривожланиши каби асоратларга олиб келиши мумкин.²

Жаҳон миқёсида қоғоноқ сувининг туғруқдан олдин кетиши кузатилган ва ҳомиладорлиги хориоамнионит билан асоратланган аёлларда хориоамнионитни эрта ташхислашнинг янги ва информатив усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қоғоноқ суви муддатдан ва туғруқдан олдин кетган ҳомиладорларда хориоамнионитнинг учраш даражасини аниқлаш; клиник-анамнестик маълумотлар асосида хавф омилларини баҳолаш, қоғоноқ суви кетган ва хориоамнионит билан асоратланган ҳомиладорларда инфекцион омилнинг ўрнини белгилаш мақсадида иммунофермент таҳлили ва инструментал текширув усуллари таҳлилини ўтказиш; хориоамнионитни башоратлашда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг аҳамиятини қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқликда ўрганиш асосида қоғоноқ суви кетган ҳомиладорларда хавф гуруҳини башоратлаш алгоритминини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»³ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга

¹ЖССТ маълумотлари 2018.

² Бошкова М.Э. Хориоамнионит/ Бошкова М.Э., Постникова В.В., Кудряшова О.А.//Журнал Интернаука.- 2019.- №28(110).- P.10-11

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 -сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

оширишда хориоамнионитнинг ривожланиш патогенези ва иммунологик механизмларини ҳисобга олган ҳолда ушбу асорат келиб чиқишининг олдини олиш ва ташхислаш усуллари самарадорлигини ошириш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш усуллари такомиллаштириш орқали касаллик асоратини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хориоамнионит асорати 40% ҳолатда муддатдан олдинги туғруққа сабаб бўлади. Дунё бўйлаб ҳомиладорликнинг қарийб 10% ини ташкил қиладиган муддатдан олдинги туғруқ перинатал ўлим ёки касалланишнинг энг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Амнион мембрананинг муддатдан олдин ёрилиши билан боғлиқ ҳолда ҳомиладор аёлларда ўткир яллиғланиш оқсили ва цитокинлар ишлаб чиқарилишининг кўпайиши айрим олимлар илмий изланишларида аниқланган (Крукиер И.И. ва бошқалар, 2019). Аммо биокимёвий жараёнларнинг фаоллиги ва цитокинлар синтезини тартибга солувчи механизмлар тўлиқ ўрганилмаган. Сувсизлик даври муддатига кўра қоғонок сувининг муддатдан олдин кетиши (ҚСТОК)да иммунологик ва биокимёвий жараёнларнинг дифференциал таҳлили алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки худди шу бузилишлар хориоамнионитнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келиш олиб келмаслиги ноаниқлигича қолмоқда. Хорижлик олимлар Monica Cappelletti (2020), T.M.Randis et al. (2018), Josephine R. (2020), Viral G. Jain (2021), M.Kacerovsky (2021), Ebisutani K. (2021) томонидан амалга оширилган илмий изланишларда хориоамнионит этиологияси, диагностикаси ва даволаш усуллари, шунингдек, амнион сувнинг муддатидан олдин ва туғруқдан олдин кетилиши ўрганилган. МДХ мамлакатларида қоғонок парданинг туғруқдан олдин ёрилиши ва бачадон ичи инфекциялари муаммосига бағишланган илмий тадқиқотлар Гурьева В.А. ва ҳаммуалл. (2018), Дятлова Л.И. (2018), Беженарь В.Ф. ва ҳаммуалл. (2018), Кузнецова

Н.Б. ва ҳаммуалл. (2019), Бошкова М.Э. ва ҳаммуалл. (2019), Пенжоян Г.А. ва ҳаммуалл. (2019), Коробова З.Р. (2019) томонидан олиб борилган.

Мамлакатимизда ҳомиладорлиги хориоамнионит ва қоғоноқ сувининг муддатдан олдин кетиши билан асоратланган ҳомиладор аёллардаги перинатал оқибатлар ва генитал инфекциялар ўрганилган (Раббимова Г., 2019; Каганова М.А. ва бошқалар, 2019; Тураева Г.Ю., 2019; Рўзметова Д.Т., 2020). Хусусан, Г.Раббимова томонидан генитал инфекциялар сабаб ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар, Д.Т.Рўзметова томонидан қоғоноқ суви муддатдан олдин кетган аёллардаги перинатал асоратлар ўрганилган. Шунингдек, Мўминова Н.Х. нинг илмий изланишлари акушерликдаги сепсисларга бағишланган бўлиб, ўз илмий ишларида прокальцитонин, интерлейкинлар ва лейкоцитар интоксикацион индексни ўрганганлар.

Шундай қилиб, ҳомиладорларда қоғоноқ суви туғруқдан ва муддатдан олдин кетишини ўрганишга йўналтирилган кўп сонли илмий изланишлар амалга оширилганлигига қарамасдан ҳомиладорликнинг хориоамнионит билан асоратланиш кўрсаткичлари ҳанузга қадар юқори даражаларни ташкил этмоқда. Бу қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладорларда хориоамнионит ривожланишининг эрта диагностик мезонларини аниқлаш орқали ушбу асорат ривожланишининг олдини олиш ва туғруқ натижаларини яхшилаш борасида ҳали изланишларда давом этиш зарурлигидан далолат беради ва ушбу мавзунинг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2018 йил январдаги ДСБ.018 рақамли «Бухоро вилоятининг иссиқ иклимида патология ва патологияга қадар ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2018–2022)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланишининг клиник ва иммунологик хавф омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш;

қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ва хориоамнионит ривожланган ҳомиладор аёлларда клиник ва лаборатория кўрсаткичларининг хусусиятларини баҳолаш;

қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ва хориоамнионит ривожланган ҳомиладор аёлларда уни даволаш ва эрта олдини олиш мақсадида қон зардобдаги яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдори ҳамда хусусиятларини баҳолаш;

қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ва хориоамнионит ривожланиш эҳтимоли бўлган ҳомиладор аёлларда туғруқни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳомиладорлик муддати 37–42 ҳафтагача бўлган қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ва хориоамнионит билан асоратланган асосий гуруҳни ташкил қилган 119 нафар ҳомиладор аёл ва худди шундай ҳомиладорлик муддатида бўлган ҳомиладорлиги физиологик давом этаётган назорат гуруҳидаги 26 нафар ҳомиладорлар ва туғруқ жараёни бошланган 27 нафар туғувчи аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳомиладорлар ва туғруқ жараёни бошланган аёлларнинг периферик қон зардоби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вагинал дисбиоз, кичик чаноқ аъзоларининг сурункали яллиғланиш касалликлари ва бошқа сабаблар қоғоноқ сувининг туғруқдан олдин кетиш асорати бўлган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланиши хавф омиллари бўлиши исботланган;

илк бор қоғоноқ сувининг туғруқдан олдин кетиши асорати кузатилган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланиши билан боғлиқ яллиғланиш олди цитокинлар даражасининг ошиши ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг камайганлиги аниқланган;

хориоамнионит ривожланиш эҳтимоллиги бўлган қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларни таклиф этилган алгоритмга мувофиқ текшириш ва ўз вақтида антибиотиклар билан даволаш акушерлик ва пеританал асоратларнинг камайишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хориоамнионит ривожланиш хавфини аниқлаш учун тавсия этилган прогностик (иммунологик ва биокимёвий) мезонлар қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда асоратлар ривожланишининг олдини олиш имконини берган;

қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладорларда туғруқ вақтида ва туғруқдан кейинги даврда асоратлар ривожланишининг олдини олишга кўмаклашувчи туғруқдан олдин ташхислаш мезонлари ва туғруқни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, иммунологик, биокимёвий, инструментал, статистик тадқиқот усуллариининг замонавийлиги, уларга замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий адабиётлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосалар ва олинган натижалар исботланган тиббиёт тамойилларига асосланганлиги ва уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишонччилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланишининг диагностикаси ва олдини олишга қаратилган назарий билим даражасининг кенгайиши; қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланишида С-реактив оқсил, ЛДГ ва яллиғланиш олди цитокинлари миқдорининг кескин ўсиши ҳамда яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг пасайиши илк бор аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланиш белгиларини эрта аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган туғруқни олиб бориш алгоритми акушерлик ва перинатал асоратлар сонини камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларнинг иммунологик таҳлил усулларини оптималлаштириш ва акушерлик асоратларининг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Хориоамнионит ривожланиш хавфи бўлган қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда туғруқ асоратларини башоратлаш методологияси» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8/607-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома ҳомиладорлиги ҚСТОК ва ХА билан асоратланган аёлларни ўз вақтида даволаш ва профилактика чораларини кўриш имконини берган;

«Қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланишининг хавф омиллари алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8/606-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома хориоамнионит ва амнион суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларни ташхислаш ва туғруқни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш имконини берган;

қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларнинг иммунологик таҳлил усулларини оптималлаштириш ва акушерлик асоратларининг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, вилоят перинатал маркази, Когон ва Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаларининг акушерлик бўлимлари клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 8н-р/8-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши акушерлик асоратларнинг (сепсис ва ҳомила ичи инфекцияси) камайишига ва туғруқ натижаларининг яхшиланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланишининг замонавий аспекти (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида хориоамнионит муаммоларига бағишланган назарий жиҳатлар ва тизимли тадқиқотлар, диагностика ва туғруқни олиб бориш усуллари таҳлил қилинган, мавжуд диагностика ва профилактика усуллари афзалликлари ҳамда камчиликлари, иммунологик бузилишлар ва биокимёвий жараёнлардаги ўзгаришлар қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда хориоамнионитнинг ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек, бу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки ўрганилиши керак бўлган томонлари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ва хориоамнионит ривожланган аёлларни ўрганиш материаллари ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материаллари ва тадқиқот усуллари умумий тавсифи берилган.

Тадқиқот материаллари Бухоро давлат тиббиёт институтининг акушерлик ва гинекология кафедраси (кафедра мудирини тиббиёт фанлари доктори Г.А.Ихтиярова, ректор проф. Ш.Ж.Тешаев), Бухоро шаҳар туғруқ мажмуаси (бош врач З.М.Саидова), вилоят перинатал марказидан (директор Бахранова Н.Р.) йиғилган. Белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун ретроспектив текширув мақсадида 628 нафар қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладорлар ҳамда 119 нафар қоғоноқ сувининг туғруқдан олдин кетиши ва хориоамнионит билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг проспектив текширув натижалари таҳлил қилинди.

Тадқиқот уч босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда ҳомиладорлиги ва туғруқ жараёни хориоамнионит билан асоратланган ҳомиладорларнинг учраш кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида Бухоро шаҳрида 2015 йилдан 2020 йилгача қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладорларнинг туғруқ тарихи, статистик журналлар ва туғруқ бўлимлари ҳисоботларининг архив материаллари таҳлил қилинди.


Тадқиқотнинг 2017 йилдан 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган иккинчи босқичида ҳомиладор аёллар проспектив тадқиқ этилди. Барча беморларни яғона схема бўйича ўрганиш мақсадида қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ва хориоамнионит билан асоратланган ҳомиладор аёллар учун анкета картаси ишлаб чиқилди. Ушбу анкета ҳаёт ва касаллик анамнезини ўрганиш, лаборатория, инструментал ва махсус тадқиқот усуллари, шунингдек, умумий қон таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, иммунологик, ультратовуш ва статистик усуллар натижаларини камраб олади.

Тадқиқот учун амнион суяқликнинг туғруқдан олдин кетиш асорати кузатилган ҳомиладор аёллар танлаб олинди ва хориоамнионитни аниқлаш мақсадида аёлларда клиник ва лаборатория текширув таҳлиллари ўтказилди. Асосий гуруҳдаги 119 нафар ҳомиладорлик муддати 37–42 ҳафталик бўлган ҳомиладор аёллар текширилди ва улар 2 гуруҳга ажратилди: биринчи асосий гуруҳга қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетиш фонида хориоамнионит билан асоратланган 39 нафар ва иккинчи асосий гуруҳда қоғоноқ сувининг туғруқдан олдин кетиши билан асоратланган (ҚСТОК) 80 нафар ҳомиладор аёллар киритилди. Назорат гуруҳи 53 нафар ҳомиладор аёллардан иборат бўлиб, улардан 26 нафари ҳомиладорлиги физиологик давом этаётган ва 27 нафари туғруқ дардлари бошланган ҳамда туғруғи физиологик кечаётган туғувчи аёллардан ташкил топган. Бунда ҳомиладорликнинг кечиши (асоратланган акушерлик анамнези, муддатдан олдинги туғруқ хавфи, эрта токмикозлар, бактериал ва вирусли инфекциялар), турли соматик касалликлар ва туғруқнинг кечиши (туғруқдаги асоратлар, оператив аралашувлар)га алоҳида эътибор қаратилди. Асосий гуруҳдаги ҳомиладорларда шикоятлар, касаллик ривожланиш тарихи, кечиш хусусиятлари, ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш усуллари ўрганилди. Тадқиқотнинг II босқичи якунлангач, хориоамнионит ривожланишида ҚСТОК асоратининг аҳамияти аниқланди. Амалга оширилган тадқиқот натижалари туғруқни олиб бориш тактикасини оптималлаштиришга асос бўлди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида хориоамнионит билан асоратланган ва асоратланмаган ҚСТОК кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни оптималлаштиришга эътибор қаратилди. Текширув давомида умумий қон, сийдик таҳлиллари, жигар ва буйраклар фаолиятини акс эттирувчи қоннинг биокимёвий параметрлари (АЛТ, АСТ, мочевина, креатинин), қон ивиш тизимининг ҳолати параметрлари (ФНГ), ИФТ усули орқали TORCH инфекциялари лаборатор таҳлил қилинди. С-реактив оксил (СРО), лактатдегидрогеназа (ЛДГ) даражаси, периферик қон зардобидоги IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, IFN γ ва TNF α цитокинлар миқдори ўрганилди. Иммунологик текширувлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси иммунология ва инсон геномикаси институти лабораториясида ИФТ (Вестор Бест,) усули орқали текширилди. Статистик таҳлиллар Студент t мезонидан фойдаланиб амалга оширилди. Фарқлар P <0,05 да статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «Қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган хориоамнионит асорати ривожланган ва ривожланмаган

ҳомиладорларда хавф омиллари» деб номланган учинчи боби учта кичик бўлимлардан ташкил топган. **«Қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетганда хориоамнионит асорати ривожланган ва ривожланмаган ҳомиладорларнинг клиник-анамнестик хусусиятлари»** деб номланган биринчи кичик бўлимда тадқиқотга жалб этилган аёлларнинг клиник ва инструментал текширув таҳлиллари ўрганилди. ҚСТОК асорати бўлган ва ҳомиладорлик муддати 37–42 ҳафталик 628 нафар ҳомиладор аёлнинг тиббий ҳужжатлари ретроспектив таҳлил қилинганда ушбу ҳомиладор аёлларнинг 324 нафарида хориоамнионит ташхиси клиник-анамнестик (иситма, қиндан ёмон ҳидли ажралманинг келиши), инструментал ва диагностик маълумотлар (ультратовуш) асосида аниқланди. Ҳомиладор аёлларда хориоамнионит билан касалланиш динамикаси кузатилганда қоғоноқ парданинг туғруқдан олдин ёрилиши бўлган ҳомиладор аёллар орасида хориоамнионит билан асоратланишнинг учраш даражаси Бухоро шаҳрида 2015 йилда – 0,66%, 2016 йилда – 0,93%, 2017 йилда – 1,2%, 2018 йилда – 1,37% ва 2019 йилда – 1,41% ҳолатда аниқланди (1-расм).



1-расм. Бухоро шаҳрида хориоамнионитнинг учраш даражаси (%).

Бу амнион мембрананинг туғруқдан олдин ёрилиши фонида хориоамнионит ривожланишининг хавф омилларини таҳлил қилишга сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи ҳомиладорлик муддати 37–42 ҳафталик бўлган ва 80 нафарида амнион мембрананинг туғруқдан олдин ёрилиши ва 39 нафарида ҚСТОК фонида хориоамнионит билан асоратланиш аниқланган жами 119 нафар ҳомиладор аёллардан олинган маълумотларни проспектив таҳлил қилинди. Назорат гуруҳини 26 нафар ҳомиладорлиги физиологик давом этаётган ва 27 нафар туғруқ дардлари бошланган ҳамда туғруғи физиологик кечаётган туғувчи аёллар, жами 53 нафар ҳомиладор аёл ташкил этди.

Беморларни танлаш мезонлари ҳомиладорлик даври 37–42 ҳафта бўлган, турли акушерлик ва соматик асоратланган анамнезга эга, юқори хавф гуруҳидаги ҳомиладорларни танлашдан иборат бўлди.

Тадқиқотга жалб этилган барча беморлар деярли ўхшаш ёш даврида бўлиб, уларнинг ўртача ёши ҚСТОК бўлган аёллар гуруҳида $27,41 \pm 0,55$ ёш, ҚСТОК + хориоамнионит ривожланган аёллар гуруҳида $26,54 \pm 0,68$ ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги аёлларда ушбу кўрсаткич $25,63 \pm 0,74$ ёш бўлди.

Ҳомиладор аёлларнинг соматик анамнези таҳлил қилинганда, беморларнинг аксариятида анамнезда маълум касалликлар мавжудлиги қайд этилди. Сўров ўтказилганлар орасида аллергия асосий гуруҳидаги аёлларда ҳам, назорат гуруҳидаги аёлларда ҳам аниқланди. Темир танқислиги камқонлиги ҳам сўровномада қатнашган барча аёлларда учради, лекин, кўпинча, хориоамнионит билан асоратланган аёллар орасида (97,4%) юқори кўрсаткични ташкил этди. ҚСТОК ва хориоамнионит билан асоратланган ҳомиладорлар орасида семизликнинг учраш частотаси деярли бир хил бўлди ва 17,5% ни ташкил этди. Нафас олиш аъзоларида учровчи баъзи касалликлар назорат гуруҳидаги 2 нафар аёлда, ҚСТОК билан асоратланган ҳомиладорларнинг 8,75% ва хориоамнионит билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг 12,8% ида кузатилди. Хориоамнионит асорати ривожланган аёллар орасида қалқонсимон без касалликлари билан касалланиш 33,3% ни ташкил этди, ҚСТОК кузатилган аёллар гуруҳида бу кўрсаткич 15,0% бўлди ва назорат гуруҳидаги 5 нафар аёлда (9,4%) аниқланди. Ошқозон-ичак трактида учровчи касалликлар ҚСТОК асорати бўлган, шунингдек, хориоамнионит билан асоратланган асосий гуруҳ беморларида ўхшаш кўрсаткичда учради (мос ҳолда 17,5% ва 17,9%). Ушбу кўрсаткич назорат гуруҳидаги 4 нафар ҳомиладорда (7,5%) қайд этилди. Сийдик чиқариш тизими касалликлари билан касалланиш ҳолати хориоамнионит асорати мавжуд гуруҳ аёлларида юқори бўлди (10,2%), ҚСТОК асорати кузатилган ҳомиладорларда эса бу кўрсаткич 6,25% ҳолатда қайд этилди. Юрак-қон томир тизими касалликлари ҚСТОК билан асоратланган гуруҳидаги аёлларда ҳам, хориоамнионит (ХА) асорати ривожланган гуруҳ аёлларда ҳам деярли бир хил кўрсаткичга эга бўлди (мос ҳолда 20% ва 19,1%). ҚСТОК ва хориоамнионит асорати ривожланган аёлларнинг аксариятида ўткир нафас йўллари инфекциялари қайд этилди (мос ҳолда 67,5% ва 64,1%).

Анкета маълумотларига кўра тадқиқотга жалб этилган ҳомиладор аёллар орасида жинсий йўл орқали юқадиган инфекциялар (ЖЙЮК) назорат гуруҳидаги 9 нафар (16,9%), ҚСТОК асорати кузатилган ҳомиладорларнинг 18 нафар (22,5%) ва хориоамнионит асорати ривожланган ҳомиладорларнинг 13 нафар (33,3%)ида аниқланди. Вирусли инфекция (ГГВ, герпетик конъюнктивит, ЦМВ ва уларнинг комбинацияси) назорат гуруҳидаги 16 нафар, ҚСТОК асорати бўлган 39 нафар (48,7%) ва хориоамнионит асорати ривожланган 28 нафар ҳомиладор (71,8%)да қайд этилди. Комбинацияланган бактериал-вирусли инфекциялар хориоамнионит асорати ривожланган гуруҳидаги аёлларда кўпроқ (17,9%) кузатилди. Бу кўрсаткич ҚСТОК билан асоратланган ҳомиладорларда 15,0% ва назорат гуруҳидаги 5,7% (3 нафар)

аёлда аниқланди. Жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари репродуктив саломатлик бузилишининг бошланишида муҳим роль ўйнайди. Гинекологик анамнез таҳлил қилинганда репродуктив тизим аъзолари касалликлари билан боғлиқ қатор патологиялар қайд этилди. Маълум бўлишича, ҚСТОК асорати кузатилган аёлларнинг 46,2% ва хориоамнионит асорати ривожланган ҳомиладорларнинг 61,5%и кольпит билан оғриган.

Анамнезида бачадон ортиқларининг яллиғланиш касалликлари қоғонок суви туғруқдан олдин кетиш фониди хориоамнионит билан асоратланган ҳомиладор аёлларда 20,5%, ҚСТОК билан асоратланган аёлларда 13,75% ни ташкил этди. Эндометрит – хориоамнионит билан асоратланган гуруҳдаги аёлларнинг 23,1%, цервицит – 30,7% ида аниқланди ва ушбу кўрсаткич ҚСТОК асорати кузатилган гуруҳдаги аёлларда мос ҳолда 12,5% ҳамда 28,7% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич 3,3% бўлди. Сўров ўтказилган ҳомиладор аёллар анамнезида гинекологик касалликлар комбинацияси ҳам кўп кузатилди ва бу кўрсаткич хориоамнионит асорати мавжуд аёлларнинг 48,7% ҳамда ҚСТОК билан асоратланган ҳомиладорларнинг 43,7% ида аниқланди. Шундан бактериял вагинаознинг учраш даражаси хориоамнионит билан асоратланган аёллар гуруҳида 25,6%, ҚСТОК билан асоратланган гуруҳдаги аёлларда 26,2% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, анамнез маълумотларини таҳлил қилиш натижасида ҚСТОК билан асоратланган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит асоратининг ривожланишига туртки бўлиши мумкин бўлган омиллар мавжудлиги аниқланди. Ҳомиладорлик паритетининг таҳлили шуни кўрсатдики, ҚСТОК асорати кузатилган гуруҳдаги аёллар орасида 46,25% биринчи ҳомиладорлик ва 53,75% қайта ҳомиладорлик бўлган. Хориоамнионит асорати ривожланган гуруҳдаги ҳомиладорларнинг 17 нафарида биринчи ҳомиладорлик (43,6%), 22 нафарида (56,4%) қайта ҳомиладорлик кузатилган.

Анамнезидаги туғруқлар сони таҳлил қилинганда, ҚСТОК асорати бўлган гуруҳдаги аёлларнинг 40%и биринчи туғувчилар, 31,2%и қайта туғувчи ва 23 нафари (28,7%) кўп туғувчи аёллар бўлди.

ҚСТОК фониди хориоамнионит асорати ривожланган ҳомиладор аёллар анамнези ўрганилганда, уларнинг 51,3%и биринчи туғувчи, 30,8%и қайта туғувчи ва 17,9%и кўп туғувчилар бўлди.

Гинекологик анамнез маълумотлари таҳлил қилинганда, тиббий (сунъий) аборт ҚСТОК асорати кузатилган асосий гуруҳдаги аёлларда 11,25% ва хориоамнионит асорати ривожланган гуруҳдаги аёлларда 17,9% ни ташкил этди. Анамнезида ўз-ўзидан ҳомила тушиши назорат гуруҳидаги аёлларнинг 5,7% ида, шунингдек, ҚСТОК асорати кузатилган аёлларнинг 7,5% ва ҚСТОК фониди хориоамнионит асорати ривожланган аёлларнинг 15,4% ида қайд этилди.

Анамнезида муддатдан олдинги туғруқ акушерлик асорати хориоамнионит ривожланган аёлларда 2,7 баробар кўпроқ учради, шунингдек, ҚСТОК асорати кузатилган ҳомиладорларнинг 9 нафари (11,25%)да ҳам шундай ҳолат қайд этилди. Шунингдек, анамнезида ҳомиланинг ривожланмай қолиш ҳолати ҳам сўровномада иштирок этган аёлларда кўп учради ва бу кўрсаткич, асосан, ҚСТОК фониди ривожланган

хориоамнит асорати мавжуд аёлларда қайд этилди (10,25%). Бачадондан ташқари ҳомиладорлик назорат гуруҳидаги аёлларнинг 2 нафари (3,8%), ҚСТОК асорати кузатилган аёлларнинг 3 нафари (3,75%) ва хориоамнионит ривожланган аёлларнинг 5,1% ида кузатилди. Олинган натижалар асоратланган акушерлик анамнези кўпроқ хориоамнионит асорати ривожланган асосий гуруҳидаги ҳомиладорларда учраганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, олинган маълумотларга таянган ҳолда айтиш лозимки, қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетган ҳомиладор аёлларда хориоамнионит ривожланишида юқорида таъкидлаб ўтилган хавф омиллари (сувсизлик интервалининг давомийлиги, туғруқ даврларининг давом этиш вақти, вагинал текширувлар сони, бактериял вагиноз ва кам ҳолатларда амнион сувининг мекониум билан ифлосланиши)нинг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу бобнинг иккинчи кичик бўлимида хориоамнионит билан асоратланган ва асоратланмаган қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин ёрилиши кузатилган ҳомиладор аёлларнинг лаборатор таҳлил натижалари келтирилган. Энг муҳим лаборатор таҳлиллардан бири бу умумий қон таҳлили бўлиб, тадқиқотни амалга ошириш давомида олинган таҳлил натижаларига кўра ХА асорати ривожланган гуруҳидаги аёлларда назорат гуруҳига нисбатан лейкоцитоз кўпроқ кузатилди (1 мкл қонда $9,2 \pm 0,4$, 1 мкл да $8,0 \pm 0,12$ ҚСТОК билан асоратланган аёлларда ($P < 0,05$) ва 1 мкл да $7,24 \pm 0,1$ назорат гуруҳида ($P < 0,01$)). ХА асорати ривожланган асосий гуруҳидаги аёлларда эритроцитлар даражасининг мутлақ қиймати назорат гуруҳи ва ҚСТОК кузатилган ҳомиладор аёлларга қараганда анча паст бўлди ($P < 0,05$).

Тадқиқотни амалга ошириш давомида ҚСТОК асорати кузатилган гуруҳидаги ҳомиладор аёлларнинг гемоглобин даражаси $95,0 \pm 1,38$ ($P < 0,05$), ХА асорати ривожланган аёлларда эса ундан паст бўлди ва ўртача $90,0 \pm 1,5$ г/л ни ташкил этди (нисбий назорат қийматларига нисбатан $P < 0,01$). ҚСТОК билан асоратланган ва ХА асорати ривожланган аёлларда гематокрит миқдори анча паст бўлди ($P < 0,05$). Олиб борилган кузатишлар натижаларига кўра ХА асорати ривожланган ҳомиладорларда тромбоцитлар миқдори назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан анча паст бўлди ($P < 0,05$).

Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) қон плазмасининг оқсил таркиби билан белгиланади. Ҳомиладорлик пайтида аёл учун бу кўрсаткич ўзгаради. Аммо ЭЧТ миқдорининг ҳаддан ташқари юқорига кўтарилиши ҳомиладор аёл организмида инфекция ва яллиғланиш жараёнларининг мавжудлигидан далолат беради. Хориоамнионит асорати ривожланган асосий гуруҳ аёлларнинг умумий қон таҳлилида ЭЧТнинг ўртача миқдори $28,85 \pm 1,23$ мм/с ($P < 0,01$) кўрсатди.


Ҳомиладор аёлларда биокимёвий параметрлар ўрганилди ва олинган натижалар таҳлил қилинди. Яллиғланишнинг ўткир фазали оқсиллардан бири С-реактив оқсил бўлиб, у жигарда синтезланади. Ҳомиладорлик пайтида С-реактив оқсил танадаги яллиғланиш жараёнлари мавжудлигини аниқлашда ёрдам берувчи диагностик маркерлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотдан олинган натижалар шуни кўрсатдики, ҚСТОК асорати кузатилган ҳомиладорларда СРО даражаси назорат гуруҳидаги аёллар

кўрсаткичларидан қарийб 3 баравар юқори ($P<0,01$) ва хориоамнионит ривожланган гуруҳдаги аёлларда бу кўрсаткичнинг кескин кўтарилганлиги кузатилди ($P<0,001$) (2-расм).

Тадқиқотни амалга ошириш давомида ҚСТОК асорати кузатилган ҳомиладор аёлларда лактатдегидрогеназа кўрсаткичи сезиларли даражада юқори бўлди ($P<0,01$). Хориоамнионит асорати ривожланган аёлларда ЛДГ даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2 баравар кўплиги аниқланди ($P<0,001$) (2-расм).

Назорат гуруҳидаги аёлларда Д витамининг ўртача миқдори $42,3\pm 1,6$ нг/мл ни ташкил қилди. ҚСТОК асорати кузатилган ҳомиладорларда ушбу кўрсаткич 1,62 баравар паст бўлди ($P<0,01$), хориоамнионит асорати ривожланган аёлларда ҳам витамин Д етишмовчилиги кузатилди ($P<0,001$) (2-расм).



2-расм. Тадқиқотга жалб этилган ҳомиладорларда С-реактив оксил, Д витамини ва лактатдегидрогеназа миқдори.

Умумий биллирубин, мочевина, креатинин, АЛТ, АСТ кўрсаткичларида ҳам деярли ўзгариш кузатилмади. Асосий гуруҳдаги беморларнинг умумий оксил миқдори назорат гуруҳига қараганда анча паст бўлди ($P<0,05$).

Маълумки, нормал кечаётган ҳомиладорлик даврида қоннинг ивиш тизими фаоллиги ошади. Бу ҳомиладорлик вақтида аёлларда физиологик ҳолда УАҚ ҳажмининг ошиши ва туғруқ пайтида мумкин бўлган қон йўқотишларга олдиндан организмнинг тайёрланишидан келиб чиқади. Коагулограмма параметрларидан бири бу фибриноген бўлиб, халқаро номенклатурага кўра қон ивиш тизимининг I омили бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, ҚСТОК фонида ХА асорати кузатилган аёлларда фибриноген миқдорининг сезиларли даражада ошганлиги аниқланди ($P\leq 0,001$). ҚСТОК асорати ривожланган ҳомиладорларда фибриноген миқдори деярли ХА асорати бўлган аёлларнинг кўрсаткичларидан фарқ қилмади, бу назорат гуруҳидаги аёлларнинг таҳлил натижаларидан анча юқори ($P\leq 0,001$).

Шундай қилиб, қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин ёрилиш асорати фонида хориоамнионит билан асоратланган ва асоратланмаган ҳомиладор аёлларда лаборатория маълумотлари таҳлили бир қанча ўзгаришларни кўрсатди. ҚСТОК асорати бўлган ва хориоамнионит ривожланган аёлларда

ЭЧТ, ЛДГ, С-реактив оқсил 2,3 марта ва фибриноген миқдорининг ошганлиги кузатилди. ҚСТОК ва хориоамнионит ривожланган аёлларда лейкоцитоз, эритроцитопения, гемоглобин, тромбоцитлар миқдорининг камайиши ва ЭЧТ миқдорининг 1,6 баробар ошиши кузатилди. Шунингдек, С-реактив оқсилнинг 8 баравар ортганлиги, ЛДГ ва фибриноген миқдорининг ошиши аниқланди. Ҳомиладорларнинг иккала асосий гуруҳида ҳам Д витамини миқдорининг камайганлиги аниқланди.

Ушбу бобнинг учинчи кичик бўлимида **ҚСТОК асорати кузатилган ва хориоамнионит асорати ривожланган гуруҳлардаги ҳомиладор аёлларда иммунитет учун жавоб берувчи медиаторлар даражаси ўрганилди.** Яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар даражаси кузатилди. Ҳомиладорликнинг учинчи триместрида ҳомиладорлиги физиологик давом этаётган ҳомиладорлар ва туғруқ бошланган туғувчи аёлларда цитокинлар даражаси таққосланди. Ҳомиладорлик муддати 37 ҳафтадан 42 ҳафтагача бўлган ва ҳомиладорлиги физиологик давом этаётган 26 нафар аёл ва туғруқ дардлари бошланган 27 нафар ҳомиладорлар қон зардобидаги ИЛ-1 β , ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-8 цитокинлари, INF γ ва TNF α ўрганилди.

Яллиғланиш олди цитокинларидан бири бўлган ИЛ-1 β даражаси туғруқ жараёни бошланган аёлларда ҳомиладорликнинг учинчи триместрида бўлган ҳомиладорлар кўрсаткичларига нисбатан 1,5 бараварга ошганлиги кузатилди ва ўртача $283,2 \pm 0,5$ пг/мл ни ташкил этди ($P < 0,01$). Тадқиқот натижаларига кўра ҳомиладорликнинг учинчи триместридаги аёлларда ИЛ-4 концентрацияси ўртача $148,5 \pm 0,56$ пг/мл ни ташкил этди ва туғруқ жараёни бошланган аёлларда яллиғланишга қарши цитокин даражаси деярли 4 баравар камайди ҳамда ўртача $33,8 \pm 0,38$ пг/мл ни ташкил этди ($P < 0,001$). Бу фактдан кўриниб турибдики, ИЛ-4 простагландинлар ишлаб чиқарилиш жараёнини камайтириб, ИЛ-1RA синтезининг кучайишига олиб келади.

Туғруқ жараёнинг бошланиши ИЛ-6 цитокин даражасининг $89,5 \pm 0,43$ пг/мл ҳомиладорликнинг охириги триместридаги ҳомиладор аёллар гуруҳига $56,9 \pm 0,52$ пг/мл, нисбатан сезиларли даражада ўсиши билан тавсифланади ($P < 0,01$). Бу боғлиқликлар ИЛ-6 нинг эндотелин даражасига таъсири билан изоҳланади. Эндотелин – миометрий қаватининг қисқарувчанлик қобилиятини фаоллаштирувчи омил ҳисобланади.

Таҳлил натижаларига кўра ИЛ-8 цитокиннинг ишлаб чиқарилиши юқори миқдорда, деярли 11 баробар ошганлиги маълум бўлди ($P < 0,001$). Бу ИЛ-8 цитокиннинг бириктирувчи тўқималарни қайта қуришда иштирок этишини кўрсатади ва туғруқ бошланишидан олдин бачадон бўйни етилишини таъминлаб беради. Бу гипотеза туғруқ бошланганидан сўнг дарҳол йўлдош ва миометриядаги тўқималарда ИЛ-8 рецепторлари экспресиясининг ошиши ҳақидаги маълумотлар билан тасдиқланади. Туғруқ жараёни бошланиш вақтида IFN γ миқдори бошқа цитокинлар ишлаб чиқаришдаги миқдорга нисбатан аҳамиятсиз ўзгаришларга учради, яъни унинг миқдори туғруқ жараёни бошланган аёлларда $32,8 \pm 0,26$ пг/мл ва ҳомиладорликнинг учинчи триместрда бўлган ҳомиладорларда $28,3 \pm 0,3$ пг/мл кўрсаткични ташкил қилди ($P < 0,05$). Эҳтимол, бу цитокиннинг миқдори нафақат иммунитет тизими ҳужайралари секретор функцияси

билан, балки бошқа хужайралар, масалан, синцитотрофобласт ва децидуал қават хужайралар турларининг фаоллиги билан ҳам аниқланади.

Шундай қилиб, туғруқ вақтида ҳомиладорлик давомида ривожланган аъзо тўқималари томонидан яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқариш жараёнинг камайиши фонида яллиғланиш олди цитокинлар даражасининг ошиши кузатилади, бу эса туғруқ пайтида бачадон миометрий қавати мушакларининг қисқарувчанлик хусусиятини фаоллаштирувчи муҳим омиллардан бири бўлган простагландинлар ишлаб чиқарилиш жараёнига ўз таъсирини кўрсатади.

Кейинги босқичда ҚСТОК фонида хориоамнионит билан асоратланган ва асоратланмаган ҳомиладор аёлларда цитокинлар даражасини қиёсий баҳоланди.

ҚСТОК асорати бўлган аёлларда $IL-1\beta$ даражаси туғруқ дардлари бошланган аёлларнинг қийматлари даражасидек эди, аммо ҳомиладорликнинг учинчи триместрдаги ҳомиладорлиги физиологик давом этаётган аёлларга қараганда анча юқори бўлиб, ўртача $278,8 \pm 3,5$ пг/мл ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

ҚСТОК ва хориоамнионит асорати ривожланган аёлларда цитокинлар даражаси, $M \pm m$

Иммунологик кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=27	ҚСТОК n=30	Хориоамнионит, n=29
$IL-1\beta$, пг/мл	$283,2 \pm 14,1$	$278,8 \pm 16,5$	$395,4 \pm 23,1^{**}$
$IL-4$, пг/мл	$33,8 \pm 2,4$	$36,9 \pm 2,8$	$32,6 \pm 3,1$
$IL-6$, пг/мл	$89,5 \pm 5,9$	$81,7 \pm 4,6$	$116,9 \pm 13,4^{**}$
$IL-8$, пг/мл	$226,4 \pm 17,3$	$209,8 \pm 9,8$	$212,4 \pm 18,3$
$IFN\gamma$, пг/мл	$32,8 \pm 2,7$	$33,6 \pm 2,4^*$	$67,6 \pm 8,4^{**}$
$TNF\alpha$, пг/мл	$52,8 \pm 2,9$	$53,7 \pm 3,8^*$	$60,2 \pm 4,3$

Эслатма: * – назорат гуруҳидагилар туғувчи аёллар кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончлилик даражаси; ** – қозоноқ суви туғруқдан олдин кетган гуруҳдаги ҳомиладорлар кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончлилик даражаси ($P < 0,05 - 0,001$).

Хориоамнионит асорати ривожланган аёлларда $IL-1\beta$ даражаси ҚСТОК кузатилган аёлларга нисбатан анча юқори бўлиб, ўртача $395,4 \pm 1,45$ пг/мл ($P < 0,01$) ва ҳомиладорликнинг учинчи триместрдаги ҳомиладорлиги физиологик давом этаётган ҳамда туғруқ дардлари бошланган аёллардан олинган таҳлил натижаларига нисбатан юқори ($P < 0,01$) кўрсаткичга эканлиги аниқланди.

С.А.Кетлинский ва А.С.Симбирцева (2008) маълумотларига кўра $IL-1\beta$ оксил секрециясининг классик йўли билан эмас, балки маълум гуруҳ хужайралар томонидан ишлаб чиқариш орқали чиқарилади. Хориоамнионит асорати ривожланган асосий гуруҳдаги аёлларда $IL-1\beta$ цитокини даражасининг ошиши инфекциялардан келиб чиқадиган яллиғланиш жараёни мавжудлигини кўрсатади.

ҚСТОК асорати кузатилган ҳомиладор аёлларда $IL-4$ даражаси ҳомиладорликнинг учинчи триместрдаги ҳомиладор аёллардан олинган таҳлил натижаларига нисбатан анча паст ($P < 0,001$) ва туғруқ дардлари

